

# СОҒЛИККА ЗАРАР ЭТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР БҮЙИЧА ЖАБРЛАНУВЧИЛАР ВА ГУВОҲЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Қаюмов Шуҳрат Муминович**  
Адвокат

---

**ARTICLE INFO.**
**Ключевые слова:**

жиноят, сўроқ, тергов, ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноялар, терговчи, назорат, соглиги, хорижий тажриба, сўроқ қилиншилари ёки сўроқнинг давом этиши вақтини.

**Аннотация:**

Мазкур мақолада соғлика зарар этказиши билан боғлиқ жиноялар бўйича жабрланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Энг муҳими терговчи томонидан сўроқ қилинаётган шахснинг соглиги туфайли иштирок этиши ва сўроқнинг давом этиши вақтини белгилаш масалаларига ургу бериб ўтилган. Ушбу мақолада миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган..

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2024 LWAB.

---

**KIRISH**

Соғлика зарап етказиши билан боғлиқ жиноялар тўғрисидаги ишлар бўйича сўроқ қилишнинг ўзига хослиги, биринчи навбатда, жиноят процесси иштирокчиларининг кўрсатувларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Ушбу тоифадаги ишларда жиноий вазиятнинг тўсатдан пайдо бўлиши ва мақсадли идрок этишининг йўқлиги кўпинча гувоҳларнинг кўрсатмаларини анча ишни қийнлаштиради.

Жабрланувчилар учун бу ҳолатлар оғрикли ҳислар билан тўлдирилади, бу уларга қарши содир этилган жиноий харакатлар кетма-кетлигини идрок этишини қийинлаштиради. Кўпинча манфаатдор томонлар бундай вазиётда бир-бирига қарши душманлик муносабатлари вужудга келади, бу эса, ўз навбатида, сўроқ қилинаётганларнинг терговга қарши чиқиш ниятида бўлмаса ҳам, вазиятни нотўғри идрок этишини белгилайдиган омиллар рўйхатини тўлдиради. Яъни тиббиёт ҳодими эҳтиётсизлик ёки бепарвонлик натижасида шахсга ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказиши натижасида, жиддий конфликтлар юзага келади. Хатто сифатсиз тиббий муложала ёки эҳтиётсизлик орқасидан инсон ҳаётдан кўз юмиши билан боғлиқ ҳолатларда, жабрланувчи томон тиббиёт ҳодимидан ўч олиш, қасд қилиш каби нохуш ҳолатлар кўп кузатилади. Айниқса, жароҳатларни тезда қайд қилиш, мурдани дағн қилиш масалалари ишни тергов қилишга анча

қийинлаштиради.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу тоифадаги ишлар бўйича жабрланувчини сўроқ қилиш шошилинч бўлиши керак, сўроқ қилинаётган шахснинг биринчи таассуротлари қайд этилиши керак, бу оғриқли ҳолат туфайли маълумотни унутиб қўйишни ҳам, манфаатдор шахсларнинг номақбул таъсирини ҳам истисно қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 107-моддасига кўра, катталарни сўроқ қилиш 8 соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.<sup>1</sup> Агар шифокорнинг кўрсатмалар мавжуд бўлса, сўроқ қилиш муддати шифокорнинг фикрига асосланиб белгиланади. Албатта, ушбу тоифадаги ишлар бўйича жабрланувчини сўроқ қилишда шифокор сўроқнинг тегишли муддатини белгилаши керак. Қонунда шифокорнинг тегишли хulosаси ёзиладиган ҳужжатнинг шакли белгиланмаган. Қонун чиқарувчи бундай хulosса ёзма ёки оғзаки шаклда шакллантирилиши кераклигини ҳам аниқламаган. Афтидан, ҳимоя тарафидан узоқса чўзилган сўровлар натижасида юзага келадиган тушунмовчиликларга йўл қўймаслик учун шифокорнинг хulosса шаклида ҳам, маълумотнома шаклида ҳам тузилган ёзма хulosаси ва ҳоказо.

Мисол учун, Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодекси 187-моддаси, 4-қисмида, агар тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлса, сўроқ қилиш давом этиши муддати шифокорнинг фикрига асосланиб белгиланади деб мустаҳкамлаб қўйилган.<sup>2</sup> Худди шунга ўхшаш қоида, Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 309-моддаси, 3-бандида, ҳам кўришимиз мумкин.<sup>3</sup> Бу масалани, ҳукуқ-тартибот идоралари ҳодимлари, кўплаб олимлар каби, табиий равища, ушбу норманинг таъсирини одамнинг касаллиги туфайли сўроқ қилиш муддатини қисқартириш билан боғлашади. Шу билан бирга, ушбу меъёри бундай идрок этиши маълум даражада бир-бирига боғлиқ характерга эга. Унинг тузилишида расмий равища сўроқ қилинаётган шахснинг касаллиги туфайли сўроқ муддатини қисқартиришга ҳам, аксинча, масалан, шифокорнинг соғлиғи, юқори интеллектуал салоҳияти, соғлиғи тўғрисидаги хulosаси асосида уни кўпайтиришга имкон беради. Афтидан, қонун чиқарувчининг мақсади ноқонуний таъсирга учраган ёки соғлиғи ёмон бўлган шахсни сўроқ қилиш муддатини қисқартириш бўлган. Шифокор хulosаси асосида шахсни сўроқ қилиш муддатини кўпайтириш шахсий ҳукуқларнинг эълон қилинган кафолатларига ҳисса қўшиши даргумон. Шунинг учун, процессуал кафолатлар нуқтаи назаридан, тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда шифокорнинг хulosаси асосида сўроқ қилиш муддатини қисқартириш ҳақида гап боради.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 107-моддасига, қуйидаги мазмунда қўшимча қилиш мақсадга мувофиқдир, яъни: ***“Агар иши бўйича сўроқ қилиниши лозим бўлган шахслар, соглиги туфайли, фақат тиббий ҳодимларни тегишили хulosаларига асосан сўроқ қилинишлари ёки сўроқнинг давом этиши вақтини белгиланиши мумкин. Зарурат бўлган тақдирда сўроқ давомида шифокор этиши мумкин”.***

Бундан ташқари, миллий қонунчиликда тиббий хulosалар мавжуд бўлса, сўроқ қилиш муддатини белгилаш ҳақида гап мавжуд эмас. Бундай шахсни сўроқ қилиш вақтини процессуал ва тактик сабабларга кўра мақбул белгилашга келсак, бу аввалгидек терговчининг ваколати

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

<sup>2</sup> "Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 22.04.2024) (с изм. и доп., вступ. в силу с 15.05.2024).

<sup>3</sup> Кодекс Республики Казахстан уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.05.2024 г.).

бўлиб, бу умуман табиийдир. Бироқ, агар сўроқ қилинаётган шахснинг соғлиғининг ҳолати ташвиш туғдирса, сўроқ вақтини режалаштиришда терговчи шифокорнинг маълум бир вақтда сўроқ қилиш имконияти тўғрисидаги тавсияларини ҳисобга олиши шарт. Бундан ташқари, агар сўроқ қилинаётган шахс оғир ахволда бўлса, сўроқ қилишнинг давом этиш вақти бўйича шифокорнинг хулосасини олиш билан чекланмасдан, шифокорнинг шахсан иштирок этишини таъминлаш ҳам тавсия этилади.

Бироқ, агар жабрланувчи шок ҳолатида ёки қаттиқ ҳаяжонда бўлса, қон босими ошиши, иситма ошиши ва бошқа кўплаб ҳолатларда сўроқни кечиктириш ва иложи бўлса, аудио ёки видео ёзувлар ёрдамида ёзib олинган қисқа суҳбатни ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги тавсиялари тўғри деб тан олиниши керак.

Агар сўроқ давомида шифокор иштирок этса, мувофиқ бўлади, чунки шифокор жабрланувчини соғлиғининг ҳолатини, касалликнинг кечишини, тикланиш жараёнини кузатиб боради, даволанишни буюради ва унинг самарадорлигини назорат қиласди, бемор билан унинг соғлиғи ҳақидаги шикоятлари бўйича суҳбатлар ўтказади ва ҳоказо. Шунинг учун шифокор сўроқ давомида иштирок этишини таъминлаш, сўроқ қилинувчини соғлигини кузатишга ёки психологик жараёнларни кузатишга имкон беради.

### **Foydalilanlgan adabiyotlar**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.
2. ["Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ \(ред. от 22.04.2024\) \(с изм. и доп., вступ. в силу с 15.05.2024\).](#)
3. Кодекс Республики Казахстан уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (*с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.05.2024 г.*)